

ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ № _____
(уч томонлама)
(намунавий форма)

_____ ш. « _____ » _____ 20 ____ г.

Бундан буён матнда “**Лизинг берувчи**” деб юритилувчи «Гарант банк» АЖ номидан Низом ва 20 ____ й. “ _____ ” _____ берилган _____ -сонли ишончнома асосида иш юритувчи Банкнинг _____ БХО/БХМ бошқарувчиси/бошлиғи бир томондан, бундан буён матнда “**Лизинг олувчи**” деб юритилувчи _____ номидан _____ ва _____ асосида иш юритувчи _____ иккинчи томондан, бундан буён матнда “**Сотувчи**” деб юритилувчи _____ номидан _____ ва _____ асосида иш юритувчи _____ учинчи томондан, мазкур Лизинг шартномаси (кейинги ўринларда Шартнома)ни қуйидагилар ҳақида туздилар:

АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Ушбу шартномада қуйидаги атама ва тушунчалар қўлланилади:

Лизинг – молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда Лизинг берувчи Лизинг олувчининг топшириғига биноан Сотувчидан ушбу шартномада шартлашилган Лизинг объектини мулк қилиб олади ва уни Лизинг олувчига ушбу шартномада белгиланган шартларда, кейинчалик Лизинг объектининг Лизинг олувчининг мулкига ўтиш имконияти билан, ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун беради.

Лизинг олувчи – Лизинг объектини ушбу Шартномада белгиланган шартларда, ўз эгалигига ва фойдаланишига олувчи- юридик шахс.

Лизинг берувчи – Лизинг объектини келгусида Лизинг олувчига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топшириш мақсадида, Сотувчидан объектини мулк қилиб олувчи-банк.

Сотувчи – _____, Лизинг берувчига Лизинг объектини мазкур Шартномада белгиланган шартларда, кейинчалик Лизинг олувчининг эгалигига ва фойдаланиши учун ўтказиш мақсадида Лизинг объектини сотувчи юридик шахс.

Лизинг объекти – Лизинг берувчи томонидан Сотувчидан сотиб олинadиган ва мазкур Шартномада белгиланган шартларда Лизинг олувчининг вақтинча эгалигига ва фойдаланиши учун ўтказиладиган мол-мулк. Лизинг объекти ушбу шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган бўлиб, кейинги ўринларда “ЛО” деб қисқартирилган ҳолда фойдаланилади.

Буюртманома – Лизинг олувчининг Лизинг берувчига ЛОни сотиб олиш ва лизингга бериш учун тақдим қилинган аризаси.

Олди-сотди шартномаси – Лизинг берувчи ва Сотувчи ўрасида кейинчалик Лизинг олувчига мазкур Шартномада белгиланган шартларда лизингга бериш мақсадида тузилган битим.

Лизинг тўловлари – Лизинг тўловлари лизинг берувчига лизинг объекти қийматининг лизинг олувчи томонидан қопланишидан, шунингдек лизинг берувчининг фойзли даромадидан иборат бўлади.

Лизинг муддати – ЛО Лизинг олувчининг эгалигига ва фойдаланиши учун бериладиган муддат.

Лизинг объектининг базавий қиймати (асосий қарз) - лизинг берувчи томонидан етказиб берувчи (ёки сотувчи)га етказиб бериш шартномаси ёки импорт шартномаси асосида тўланадиган лизинг объекти қийматини ўз ичига олади.

Лизинг маржаси-лизинг тўловининг бир қисми бўлиб, лизинг берувчининг даромадини ташкил этади.

ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Лизинг берувчи Лизинг олувчининг буюртмасига мувофиқ, Лизинг берувчи, Сотувчи ва Лизинг олувчи ўртасида алоҳида тузиладиган олди-сотди шартномаси шартларига асосан пул маблағларини инвестиция қилади ва Сотувчидан мазкур шартноманинг 1-иловада кўрсатилган ЛОни ўзига мулк қилиб олади ҳамда ЛОни шартнома шартларида белгиланган шартларда, кейинчалик Лизинг олувчига мулк бўлиб ўтиш имконияти билан вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топширади.

1.2. ЛО Лизинг олувчи томонидан танланган. Лизинг берувчи ЛОнинг танлови учун ва унинг Лизинг олувчининг манфаатларига ва/ёки ишлатиш мақсадларига номувофиқ бўлиши эҳтимоли учун жавобгар бўлмайди.

1.3. Лизинг берувчи Сотувчининг лаёқатсизлиги, шунингдек Сотувчининг олди-сотди Шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлари ва талабларининг бажармаслиги ёки тегишлича бажармаслиги хавфини зиммасига олмайди, Сотувчининг ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги Лизинг берувчининг ЛО қийматини тўлашни кечиктирганлиги туфайли юз берган ҳоллар бундан мустасно. Лизинг олувчи ЛОни мустақил танлаганлиги сабабли, лизинг тўловларини тўлашни кечиктиришга, ЛО дан воз кечишга ёки ушбу Шартномани ЛО етказиб берилмаганлиги, тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки сифати лозим даражада бўлмаган ЛО етказиб берилганлиги учун, кўрсатиб ўтилган камчиликлар Лизинг берувчининг айбдор хатти-ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) оқибатида вужудга келган ҳоллардан ташқари, ушбу Шартномани бекор қилишга ҳақли эмас.

1.4. ЛОни олди-сотди шартномасини тузишдан аввал, Лизинг берувчи Лизинг олувчи билан шартноманинг қуйидаги шартларни келишиб олиши лозим:

- ЛОни етказиб бериш муддати ва шартлари;
- Сотувчига Лизинг олувчининг эътирозларини тақдим этиш ва унинг уларни кондириши тартиби;
- ЛО нинг кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат кўрсатилишини тақдим этишнинг тартиби ва шартлари.

1.5. Лизинг муддати ЛО Лизинг олувчига топширилган вақтдан бошлаб _____ ой этиб белгиланди. Лизинг муддати тугаб, Лизинг олувчининг ушбу Шартномада кўзда тутилган барча мажбуриятлари тўлиқ бажарилганда кейин ЛО ушбу Шартнома шартларига мувофиқ Лизинг олувчига мулк қилиб берилади.

2. ШАРТНОМА СУММАСИ, МУДДАТИ ВА ЛИЗИНГ БЕРУВЧИНИНГ ФОИЗЛИ ДАРОМАДИ

2.1. Ушбу лизинг шартномасининг умумий суммаси _____ сўмни ташкил этади.

2.2. Ушбу шартнома _____ йил муддатга тузилиб, томонлар имзолангандан сўнг кучга киради. Кўрсатилагн муддат ЛОни топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг бошланади.

2.3. ЛО учун тўлов Лизинг берувчи томонидан ушбу шартнома имзолангандан сўнг _____ банк куни муддатда амалга оширилади.

2.4. Лизинг бўйича асосий қарз ва фоизлар ушбу шартноманинг 2-сонли иловасида кўрсатилган жадвалга асосан дифференциал ёки аннуитет (кераклисини қолдиринг) тўлов усулида тўланади.

2.5. Лизинг хизмати бўйича фоиз ставкаси йиллик _____.

2.6. Лизинг хизматидан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси тури ўзгармас ёки ўзгарувчан (кераклисини қолдиринг).



3. ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИ СОТИБ ОЛИШ, ТОПШИРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯГА КИРИТИШ

3.1. Лизинг берувчи ушбу шартнома белгиланган тартибда тасдиқлаганидан сўнг ____ банк куни давомида тўловларни амалга ошириб, ЛОни сотиб олиш мажбуриятини олади.

Мол-мулк лизинг объекти ҳисобланиб, у ҳақда тузиладиган битимлар қонунга мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланиши талаб қилинадиган ҳолларда нотариал тасдиқланиши лозим, бундан бирламчи бозордан кўчмас мулк ва транспорт воситалари олиш чоғидаги лизинг тўғрисидаги шартномалар мустасно.

3.2. Ушбу шартнома белгиланган тартибда тасдиқлаганидан сўнг ____ банк куни давомида Сотувчи Лизинг берувчи ихтиёрига мулк сифатида Лизинг олувчининг буюртмасида кўрсатилган, 1-иловада ЛОни топширади.

3.3. Лизинг олувчи Сотувчи ва ЛОни мустақил танлайди ҳамда Лизинг берувчига ЛОнинг сифати юзасидан шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда ҳеч қандай талаб ва даъво қилиш ҳуқуқига эга эмас.

3.4. ЛОни Лизинг олувчига топшириш _____ кун ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

3.5. ЛОни лизингга қабул қилиш-топшириш далолатномаси Лизинг олувчи, Лизинг берувчи ва Сотувчи учун биттадан, учта асл нусхада тузилади ва имзоланади. Тарафлар имзолаган қабул қилиш-топшириш далолатномаси ЛОнинг бутлигини, камчиликлар мавжуд эмаслигини ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларга мувофиқлигини тасдиқлайди.

3.6. ЛОни лизингга қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб ЛОнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи, шунингдек ЛО билан боғлиқ бўлган бошқа барча хавфлар Лизинг олувчининг зиммасига ўтади.

3.7. Агар Лизинг олувчи ЛОни Лизинг берувчи белгилаган муддатда қабул қилиб олмаса, Шартнома Лизинг берувчининг ташаббуси билан ЛОни қабул қилиш муддати тугагач бекор қилиниши мумкин. Бунда Лизинг берувчи ЛОни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиши мумкин.

3.8. Лизинг олувчи томонидан ЛО қабул қилингандан сўнг, уч банк кунидан кўп бўлмаган муддат ичида ЛОни тегишли давлат органларида рўйхатдан ўтказди. *(ЛО давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб этиладиган ҳолларда)*. Бунинг учун Тарафлар рўйхатдан ўтказувчи органга рўйхатдан ўтказиш ишлари учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этадилар.

3.9. ЛО нинг Лизинг олувчига етказиб бериш, уни ишга тушириш *(лозим бўлганда)* тегишли давлат органларида рўйхатдан ўтказиш, уни расмийлаштириш билан боғлиқ барча харажатларни (брокер хизмати, объектга мулк ҳуқуқини қайта расмийлаштириш ва б.) Лизинг олувчининг зиммасига юклатилади.

4. ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИ СУҒУРТАЛАШ

4.1. Лизинг олувчи ЛОни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб 5 кун ичида ушбу ўз ҳисобидан ЛОни Шартномада белгиланган бутун лизинг муддатига барча эҳтимолий зарар *(нобуд бўлиши, йўқолиши, ўғирланиши, жиддий ёки қисман шикастланиши, бузилиши, талон-тарож қилиниши ва муддатидан аввал эскириши хавфидан суғурталаганда)* турларидан суғурталайди.

4.2. ЛОнинг нобуд бўлиши, йўқолиши, ўғирланиши, жиддий ёки қисман шикастланиши, бузилиши, талон-тарож қилиниши ва муддатидан аввал эскириши хавфидан суғурталаганда суғурта пули миқдори ЛО қийматидан кам бўлмаслиги лозим.

4.3. Суғурта шартномасида кўзда тутилган суғурта ҳодисаси юзага келганда Лизинг олувчи Лизинг берувчини шу ҳақда зудлик билан ёзма равишда хабардор қилиши лозим. Лизинг олувчи кейинчалик келиб чиқиши мумкин бўлган зарарларнинг олдини



Garant bank

олишнинг ва/ёки камайтиришнинг барча чораларини кўриши, шунингдек суғурталовчи суғурта товонини тўлаши учун зарур бўлган барча ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

4.4. Лизинг олувчининг ЛО шикастланган ҳолда суғурталаш шартномаси бўйича олган пул маблағларининг ЛОни тиклаш учун етарли бўлмаслиги уни ЛОни тўлиқ тиклаш мажбуриятидан озод этмайди.

5. ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИ

5.1. Мазкур шартнома шартларига кўра Лизинг берувчи ЛОни ўз ҳисобидан сотиб олади ҳамда лизинг шартномасининг бутун амал қилиш даври давомида мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

5.2. Лизинг берувчи ЛОни Лизинг олувчига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топширади. Лизинг олувчи томонидан мазкур шартномага асосан ўз зиммасига олган барча мажбуриятлари тўлиқ бажарилган, барча лизинг тўловлари ва сотиб олиш баҳоси тўлиқ тўлангандан кейин ЛОга бўлган мулк ҳуқуқи Лизинг олувчига ўтади.

5.3. ЛО Лизинг берувчининг балансида ҳисобга олинади.

5.4. Лизинг олувчи банкрот бўлган, унинг мол-мулки хатланган ёки мусодара қилинган тақдирда, лизинг объекти лизинг олувчининг умумий мол-мулкидан ажратилади ва лизинг берувчига қайтарилиши лозим.

6. ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Лизинг олувчи Лизинг берувчининг ёзма розилигисиз ЛОга конструктив ўзгартириш ва такомиллаштиришга ҳақли эмас. Ушбу талаб ЛОни ишлаб чиқарган заводнинг кўрсатма ва тавсияларига зид бўлмаган ЛОдан фойдаланиш шароитларини яхшилайдиган, осон ажратиладиган қўшимча мосламалар, асбоблар ва аксессуарларнинг ўрнатилишига тадбиқ этилмайди.

6.2. Лизинг олувчи ушбу Шартнома амалда бўлган даврда ЛОнинг бирор-бир деталини ва/ёки тугунларини алмаштирган ҳолда улар мазкур ЛОнинг ажралмас қисмига айланади ва Лизинг берувчининг мулкига ўтади.

6.3. Шартнома бекор қилинган тақдирда Лизинг олувчи амалга оширган ажратиб бўлмайдиган яхшилашлар қиймати Лизинг берувчи томонидан қоплаб берилмайди.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Лизинг олувчининг ҳуқуқ:

7.1.1. Лизинг тўловларини исталган вақтда муддатидан олдин сўндириш.

7.1.2. ЛО учун тўлов амалга оширилгунига қадар лизинг олишдан бепул асосда воз кечиш.

7.1.3. Лизинг қарзорликлари бўйича Банкдан маълумотлар олиш.

7.1.4. Кредитлаш ва ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида Банкдан маълумот олиш.

7.1.5. ЛОни мустақил аниқлаш ва сотувчини танлаш

7.1.6. Лизинг берувчидан лизинг шартномасини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш.

7.1.7. Лизинг олувчи қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин.

7.2. Лизинг олувчининг мажбуриятлари:

7.2.1. Лизинг берувчининг талабига кўра бутун лизинг муддати давомида ЛОга дахлдор бўлган ўзнинг молиявий аҳволи тўғрисида маълумот бериб бориш.

7.2.2. ЛОга эгалик қилиш ва фойдаланиш билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган бошқа маълумотларни Лизинг берувчига тақдим этиб бориш.



Garant bank

7.2.3. Лизинг берувчининг ваколатли вакиллари ўзининг хизмат, ишлаб чиқариш, омбор ва бошқа хоналарига мақсадли текширишлар ўтказиш ва ЛО ҳолатини баҳолаш учун киритиш.

7.2.4. Лизинг олувчи Лизинг берувчининг ёзма розилигисиз ЛОни сублизингга бермаслик.

7.2.5. ЛОни соз ҳолатида сақлаш, зарур ҳолларда ўз ҳисобидан унинг жорий ва мукамал таъмирлаш, шунингдек ЛОни ишлатиш, унга техник хизмат кўрсатиш, эгалик қилиш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни қоплаб бориш.

7.2.6. ЛОдан унинг вазифасига мувофиқ қатъий фойдаланиш, ишлаб-чиқарувчининг йўриқномаси, техник эксплуатация қоидалари, техник шартлар ва тегишли стандартларига амал қилиш.

7.2.7. ЛОга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш даврида Лизинг берувчининг ёзма розилигисиз уни бегоналаштирмаслик, учинчи шахсларга ижарага ёки фойдаланишга бермаслик, гаров сифатида фойдаланмаслик, устав фондига ҳисса (улуш) сифатида киритмаслик, бошқача тарзда бегоналаштирмаслик, ўзгартирмаслик, қайта жиҳозламаслик, шунингдек ўзининг ушбу Шартнома бўйича ҳуқуқ, мажбуриятларини бошқа шахсларга ўтказмаслик.

7.2.8. Лизинг олувчи мазкур шартномада кўрсатилган муддатда ЛОни ўз ҳисобидан суғурта қилиш.

7.2.9. Лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаб бориш.

7.2.10. Лизинг олувчи қонунчиликда белгиланган бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

7.3. Лизинг берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

7.3.1. Аввалдан Лизинг олувчини хабардор қилган ҳолда ЛОнинг ҳақиқатда мавжудлигини, ҳолатини, фойдаланиш ва сақланиш шароитларини текшириш, Лизинг олувчида мавжуд бўлган ЛОга оид ҳужжатлар билан танишиш.

7.3.2. Лизинг олувчи томонидан ЛОни суғурта қилиш тўғрисида шартнома имзолангунига қадар ЛОни ушлаб туриш.

7.3.3. Лизинг олувчининг лизинг объектдан қандай шароитларда фойдаланаётганлигини ва уни белгиланган мақсадига мувофиқ ишлатаётганлигини лизинг шартномаси шартларига ҳамда қонунчилик талабларига мувофиқ назорат қилиш.

7.3.4. Лизинг олувчининг розилиги билан лизинг объекти ва унинг сотувчисини танлаш.

7.3.5. Қонунчиликда ёки лизинг шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лизинг олувчидан лизинг объектини талаб қилиб олиш.

7.3.6. Лизинг олувчи томонидан ўз мажбуриятларининг жиддий равишда бузилишига йўл қўйилган тақдирда, келгуси лизинг тўловларини тўлашни тезлаштиришни ёки гаров нарсасини ундириш учун назарда тутилган тартибда ундирувни ЛОга қаратган ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб этиш.

7.3.7. Лизинг берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин.

7.3.8. Қуйидаги ҳолларда мазкур Шартномани суд тартибида бекор қилиш:

- Лизинг олувчи ЛОдан ушбу Шартнома шартларини бузиб фойдаланаётган бўлса, бу эса ЛО аҳволининг жиддий ёмонлашувига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, ёхуд Лизинг олувчининг мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришига салбий таъсир этса ёки таъсир этиши мумкин бўлса;

- Лизинг олувчи Лизинг берувчининг бундай ҳаракатларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма огоҳлантиришига қарамай, ЛОдан ушбу Шартномани тузишда белгиланган мақсадларга мос бўлмаган мақсадларда фойдаланса;

- Лизинг олувчи томонидан мазкур кредит шартномасида белгиланган ҳар қандай тўлов мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда;



Garant bank

- Лизинг олувчи ушбу Шартноманинг 3.8., 4.1., 4.4., 5.4. бандларида кўрсатилган мажбуриятларини бажармаса ёки лозим даражада бажармаса;

- Лизинг олувчининг фаолияти тўхтатилган бўлса ёки Лизинг олувчининг ҳисобварағида картотека мавжуд бўлса, ёхуд унга нисбатан банкротлик, тугатиш тўғрисида суд иши қўзғатилган бўлса.

7.4. Сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

7.4.1. ЛОни олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда ва миқдорда етказиб бериш.

7.4.2. ЛО мазкур шартномада белгиланган тартибда Лизинг берувчи ва Лизинг олувчининг вакиллари иштирокида қабул қилиш-топшириш далолатномасига асосан топшириш.

7.4.3. Қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланганидан кейин унинг бут эмаслиги ёки Лизинг олувчининг техник талабларига жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда ҳамда ушбу камчиликлар ЛОни қабул қилиш пайтида аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда Сотувчи ўз ҳисобидан ЛОни бутлаши ёки бут товарга алмаштириб бериш.

8. ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИ ТАСОДИФАН ЙЎҚ БЎЛИШ ВА/ЁКИ ШИКАСТЛАНИШ ОҚИБАТЛАРИ

8.1. ЛОни тасодифан йўқолиши (нобуд бўлиши) ёки тасодифан бузилиши, шунингдек ўғирланиши, барвақт эскириши, шикастланиши ҳавфлари, ЛОни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланганидан кейин Лизинг олувчига ўтади.

8.2. ЛО шикастланганда Лизинг олувчи ўз ҳисобидан ЛОни бевосита шикастланишдан олдинги ҳолатдагидек, ундан кейинчалик фойдаланиш имконини берувчи ҳолатга келтириб, таъмирлаши (тиклаши) лозим. Бундай ҳолатда мазкур шартнома ўзгаришсиз қолади ҳамда Лизинг олувчи шартномада ўрнатилган тартиб ва муддатда лизинг тўловларини амалга оширади.

8.3. Агар ЛОнинг йўқ бўлиши (нобуд бўлиши, йўқ қилиниши, талон-тарож қилиниши, ўғирланиши, жиддий ёки тикланмайдиган даражада шикастланиши) муносабати билан Лизинг берувчи томонидан суғурта товони олинган бўлса, Лизинг олувчи томонидан ушбу Шартномага мувофиқ тўлаши лозим бўлган тўловлари миқдори тўланган суғурта товони миқдorigа камайтирилади.

8.4. Лизинг объекти таъмирланиши, алмаштирилиши ёки бошқа ҳар қандай сабаб (жумладан, электр энергиясининг йўқлиги) туфайли вақтинча фаолиятсиз бўлган даврда ҳам лизинг тўловлари белгиланган жадвалга мувофиқ тўлиқ миқдорда амалга оширилади.

8.5. Лизинг объектини сотиб олиш ва етказиб бериш билан боғлиқ бошқа харажатлар (масалан, божхона расмийлаштируви, сертификатлаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва бошқалар), шунингдек, объектни иш ҳолатига келтириш учун зарур бўлган харажатлар (ўрнатиш, созлаш, лизинг олувчи ходимларини ўқитиш ва ҳоказолар) — лизинг олувчи томонидан алоҳида тўланади, лизинг берувчи томонидан ҳисоб-фактура тақдим этилган кундан бошлаб 10 календар куни ичида тўланиши шарт.

9. ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ТАЪМИНОТ

9.1. Лизинг олувчининг ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларининг лозим даражада бажариши _____ билан таъминланади.

(гаров, кафиллик, кафолат ва б.)

9.2. Лизинг хизмати бўйича таъминотнинг миқдори ЛО суммасидан камида 125 фоизни ташкил этиши лозим.

9.3. Лизинг берувчининг ушбу шартнома юзасидан мажбурияти Лизинг олувчи томонидан Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти билан боғлиқ бўлган барча ҳужжалар белгиланган тартибда расмийлаштирилганидан ва ушбу ҳужжатлар Банкка тақдим этилганидан кейин кучга киради.

10. ЛИЗИНГ ТЎЛОВЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

10.1. Лизинг тўлови амалга оширилган сана деб, Лизинг олувчидан Лизинг берувчининг ҳисоб варағига пул маблағлари келиб тушган сана ҳисобланади.

10.2. 11.2. Лизинг олувчи ушбу Шартноманинг 2-сон Иловасида кўрсатилган лизинг тўловларини тўлиқ ёки қисман, исталган вақтда, ҳеч қандай жарималар тўламасдан, мустақил равишда муддатидан олдин тўлаш ҳуқуқига эга.

10.3. 11.7. Лизинг тўловларини тўлаш Лизинг олувчи томонидан лизинг объектдан амалий фойдаланилган ёки фойдаланилмаганлигидан қатъи назар амалга оширилади.

10.4. 11.8. Лизинг олувчи томонидан Лизинг берувчига тушган барча пул маблағлари куйидаги кетма-кетликда ҳисобга олинади:

10.5. - биринчидан, лизинг тўловларининг асосий қарз қисмини қоплашга;

10.6. - иккинчидан, лизинг тўловларининг лизинг маржаси қисмини қоплашга;

10.7. - учинчидан, лизинг тўловларини ўз вақтида тўламаганлик учун ушбу Шартнома асосида Лизинг берувчи томонидан ҳисобланган пеня суммасини қоплашга.

10.8. 11.9. Лизинг олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича лизинг тўловларини тўлаш мақсадида Лизинг берувчига тушган барча пул маблағлари, Лизинг берувчи томонидан, Лизинг олувчи тўлов топшириқномасида қайси лизинг тўловини кўрсатганидан қатъи назар ушбу маблағлар Лизинг берувчининг ҳисобварағига тушган санагача Лизинг олувчи томонидан тўланиши лозим бўлган лизинг тўловларини қоплашга йўналтирилади.

10.9. 11.10. Лизинг олувчи мазкур шартнома бўйича амалга ошириши керак бўлган лизинг ёки бошқа тўловлар (жарима, пеня ва ҳ.к.)ни кечиктирган тақдирда, Лизинг берувчи ушбу тўловларни Лизинг олувчининг барча ҳисобварағларидан унинг розилигисиз (акцептсиз) тўлов талабномаси ёки мемориал ордер орқали ҳисобдан чиқаради.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Лизинг берувчининг жавобгарлиги:

11.1.1. Лизинг берувчи Сотувчи томонидан ЛО етказиб берилмаслиги, тўлиқ етказиб берилмаслиги ёки кеч етказиб берилиши учун жавобгар бўлмайди, ушбу мажбуриятларнинг бузилишига Лизинг берувчининг ЛО қийматининг тўлаш муддатларини бузишда ифодаланган айбли ҳаракатлари сабаб бўлган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолатда Лизинг берувчи ЛО кечиккан ҳар бир кун учун шартноманинг умумий суммасидан 0,1% миқдорда, лекин ЛО қийматининг 10 % дан ошмаган миқдорида пеня тўлайди.

11.1.2. Лизинг берувчи ЛОнинг камчиликлари учун, шунингдек ЛОнинг Лизинг олувчининг манфаатларига мос келмаслиги учун жавобгар бўлмайди. Олинган ЛОнинг сифати, бутлиги ва б. юзасидан барча эътирозлар Лизинг олувчи томонидан бевосита Сотувчига тақдим қилинади.

11.2. Лизинг олувчининг жавобгарлиги:

11.2.1. Лизинг олувчи ЛОни сақлаш ва/ёки ундан фойдаланиш давомида учинчи шахсларга, мол-мулкка ёки атроф муҳитга етказилган ҳар қандай зарарлар ёки шикастлар юзасидан Лизинг берувчига қўйилиши мумкин бўлган барча талаблар ва даъволар бўйича жавобгар бўлади, қонунчиликка мувофиқ бундай зарар ва шикастланиш учун Сотувчи айбдор бўлган ҳоллардан бундан мустасно.

11.2.2. Лизинг олувчи мазкур шартноманинг 2-сонли иловасига асосан лизинг тўловларини кечиктирганда, Лизинг берувчига шартноманинг 2.5.-бандида белгиланган фоиз ставкасининг 1,5 баравари миқдорида юқори фоиз тўлайди.



Garant bank

11.2.3. Лизинг шартномаси бекор қилинганда, _____ банк куни оралиғида Лизинг олувчи ЛОни Лизинг берувчидан қандай ҳолатда олган бўлса, шундай ҳолатда, нормал эскириш ва тарафларнинг келишувида шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайтариши мажбуриятини олади. Мазкур муддатда ЛО Лизинг берувчига қайтарилмаган тақдирда, кечиктирилган ҳар бир кун учун ЛО қийматидан 0,1% миқдорида, лекин ЛОнинг 10 % ортик бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

11.3. Сотувчининг жавобгарлиги:

11.3.1. ЛОни етказиб бериш муддатларини кечиктиргани учун Сотувчи кечиккан ҳар бир кун учун ЛО қийматининг 0,1% миқдорда, лекин ЛО қийматининг 10% дан ошмаган миқдорда Лизинг берувчига пеняни тўлайди.

11.3.2. Тегишли даражада сифатли, бут бўлмаган ЛОни етказиб бергани учун Сотувчи қонунчиликда ўрнатилган тартибда жавобгар бўлади.

11.4. Мазкур шартномада акс эттирилмаган ҳолатлар бўйича жавобгарлик амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

11.5. Жарима ва пеняларни тўлаш Томонларни мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

12. ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИ ҚАЙТАРИШНИНГ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

12.1. Лизинг олувчи томонидан ушбу Шартноманинг 4.1, 5.4, 7.2, 8.2, 11.2-бандларида кўрсатилган мажбуриятлар бажармаганда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда Лизинг берувчининг талабига кўра ЛОни Лизинг берувчига қайтариши лозим.

12.2. Лизинг олувчи Лизинг берувчининг ЛОни қайтариш тўғрисидаги талабномасини олиши билан Лизинг олувчи Лизинг берувчининг танловига кўра ёки ЛОнинг амалда бўлган жойида уни Лизинг берувчининг вакилларига топшириш орқали дарҳол ЛОни қайтариши, ёки Лизинг берувчининг талабномасида бошқа манзил кўрсатилмаган бўлса, талабнома олинганидан кейин уч календар куни ичида ЛОни Лизинг берувчининг мазкур Шартномада кўрсатилган манзилига етказиш. ЛО ни қайтариш Тарафлар имзолаган қайтариш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

12.3. ЛОни Лизинг олувчининг эғалигидан талаб қилиб олишнинг тартиби ва асослари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг нормалари ва ушбу Шартнома шартлари билан белгиланади.

12.4. Лизинг олувчи томонидан мазкур Шартноманинг 4.1., 5.4., 7.2., 8.2., 12.1., - бандларида кўрсатилган шартлар бажармаган ҳолларда Лизинг берувчи белгиланган тартибда Лизинг олувчидан ЛОни сўзсиз талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

12.5. ЛО қайтарилган ёки талаб қилиб олинганда уни Лизинг берувчининг сақлаш жойигача кўчириш (олиб бориш) Лизинг олувчи ҳисобидан амалга оширилади, ЛО Лизинг берувчининг айбли ҳаракатлари туфайли қайтарилган ҳоллар бундан мустасно.

12.6. ЛОни қайтариш ёки талаб қилиб олиш Лизинг олувчини Шартнома бўйича мажбуриятларини, шу жумладан муддати ўтган ва/ёки тўланмаган лизинг тўловларини тўлаш, неустойкани (жарима, пеня) тўлаш, ЛОга ҳамда Лизинг берувчига етказилган зарарларни қоплаш мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятидан озод этмайди. Бунда ҳақиқатда Лизинг берувчига келиб тушган ва лизинг тўловлари ва/ёки Лизинг олувчининг мазкур Шартнома бўйича бошқа пул мажбуриятларини қоплаш деб ҳисобга олинган тўловлар қайтарилмайди ва ўзаро ҳисобга олинмайди.

13. ФОРС – МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

13.1. Томонлар мазкур шартнома тузилганидан сўнг вужудга келган енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари туфайли ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажара олмаганликлари учун жавобгарликдан озод этилади.



Garant bank

13.2. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига ёнгин, тошқин, zilзила, эпидемия ва бошқа табиий офатлар, уруш, ҳарбий ҳаракатлар, террорчилик актлари, давлат идораларининг тақиқловчи ҳужжатлари ҳамда томонларнинг ихтиёридан ташқарида бўлган ва уларнинг иродасига бўй синмайдиган, томонларнинг ҳатти-ҳаракати билан олдини олиб бўлмайдиган бошқа ҳолатлар киради.

13.3. Форс-мажор ҳолатининг вужудга келиши ва тугаши ҳақида томонлар бир-бирини зудлик билан ёзма огоҳлантириши керак.

14. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

14.1. Тарафлар ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган барча низоларни музокаралар йўли билан ҳал этадилар.

14.2. Агарда таъкидлаб ўтилган низоларни музокаралар йўли билан ҳал этишнинг иложи бўлмаса, ушбу шартнома имзоланган (БХО/БХМ) жойлашган жойдаги судда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

15. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

15.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида коррупцион ҳаракатларни тўлиқ таъқиқлаш ва ҳар қандай шаклда ёрдам (бевосита ёки билвосита), шу жумладан пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулкӣ ҳарактердаги хизматлар, бошқа мулкӣ ҳуқуқларни олиш/бериш, муайян масалаларни тезроқ ҳал қилишни таъминлаш, маъмурий ва бошқа тартиб-қоидаларни соддалаштириш., рақобат ва бошқа афзалликларни таъминлашни тўлиқ рад этади. Томонлар ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик, шунингдек унинг асосида ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашишга қаратилган сиёсат ва тартиб (агар мавжуд бўлса) талабларига амал қиладилар.

15.2. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чоғида на ўзлари, на ижроия органи, на уларнинг масабдор шахлари ёки ходимлари бирон-бир шахсларга (жумладан, жисмоний шахслар, тижорат ташкилотлари ва давлат мансабдор шахслари) коррупцион тўловларни тақдим этишни таклиф қилмаслигини, тақдим этмаслигини, розилик бермаслигини, шунингдек ҳар қандай шахсдан (тўғридан-тўғри ёки билвосита) ҳар қандай коррупцион тўловларни олишга ёки қабул қилишга рози бўлмасликларини қафолатлайди.

15.3. Мазкур бўлимнинг бирон бир шартлари бузилган тақдирда, тегишли тараф бошқа тарафни бундай бузилиш содир бўлган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Тараф ёзма хабарномада ушбу бўлимнинг қайси бир қоидалари бузилганлигини тасдиқловчи ишончли фактлар ва материалларни тақдим қилиши шарт. Ёзма хабарномалар “Микрокредитбанк” АТБ томонидан ташкил этилган жисмоний ва юридик шахслар учун коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс ишонч линияси” каналлари (**ишонч тел: 71-202-15-13, веб саҳифа www.garantbank.uz, телеграмм бот: @Garant_bank_bot**) орқали амалга оширилади.

15.4. Ушбу бўлим қоидалари тарафлардан бири томонидан бузилганлиги факти тасдиқланганда ва/ёки бошқа тарафнинг қоидабузарликларни кўриб чиқиш ҳақида хабарнома натижалари юзасидан маълумот тақдим қилмаган тақдирда, бошқа тараф шартномани бир тарафлама қисман ёки тўлиқ бекор қилишга ҳақли.

15.5. Мазкур шартномани коррупцияга қарши шартларга асосланиб бекор қилган тараф, бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни талаб қилишга ҳақли. Зарарларни қоплаш тарафлар томонидан ёзма равишда тасдиқланаган далолатномада белгиланган муддат ва миқдорда амалга оширилади.



16. САНКЦИЯЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ХАТАРЛАРНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ШАРТЛАР

16.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида иқтисодий ва молиявий санкциялар бўйича халқаро қонунчиликка риоя қилишга қаратилган сиёсат ва тартибларга риоя қилишини ва уларни қўллаб-қувватлашини тан олади ва тасдиқлайди.

16.2. Лизинг олувчи ёки унинг операцияси санкция таъсир доирасига тушганда ёки тушиши хавфи мавжуд бўлганда, Лизинг берувчи операцияни ўрганиш мақсадида қўшимча маълумотларни сўраш, операция миқдорини чегаралаш, операцияни чеклаш (рад этиш) ёки хизмат кўрсатишни рад этиш ҳуқуқига эга.

16.3. Лизинг берувчи Лизинг олувчигага нисбатан қўлланилган ҳар қандай санкция ва эмбарголар оқибатида тўловларнинг корреспондент банк томонидан тўхтатилиши, музлатилиши сабабли келиб чиқадиган йўқотишлар ёки маблағларни қайтариш билан боғлиқ харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

16.4. Лизинг олувчи унинг контрагенти, контрагентга хизмат кўрсатувчи банк, уларнинг аффилланган шахслари, контрагент акциядорлари ёки муассислари, унинг ижро органи, уларнинг мансабдор шахслари ёки ходимлари, шу билан бирга олинаётган товар ва хизматлар санкция рўйхатига киритилмаганлигини кафолатлайди.

18. МАЪЛУМОТ ТАҚДИМ ЭТИШ

18.1. Лизинг берувчи лизинг муддати давомида исталган вақтда Лизинг олувчидан ёзма равишда қуйидаги маълумот ва/ёки ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга: Лизинг олувчининг молиявий, мулкӣ, хўжалик ва ҳуқуқӣ ҳолати, лизинг тўловларини амалга ошириш истикболлари, лизинг объектининг ҳолати ҳамда ушбу Шартнома предметида оид учинчи шахслар билан бўлган муносабатлар ҳақидаги маълумотлар ва ҳужжатлар. Лизинг берувчининг ёзма талаби олинган санадан эътиборан беш (5) календарь куни ичида Лизинг олувчи талабномада кўрсатилган маълумотлар ва ҳужжатларни Лизинг берувчига тақдим этиши шарт.

18.2. Лизинг олувчи электрон тарзда ёки қоғоз шаклида ҳисоб-китобни юритиши, барча харажатлар ҳамда лизингни амалга ошириш билан боғлиқ техник ва бошқа муҳим жиҳатларни аниқ белгилаб бериш имконини берадиган китоблар ва ҳужжатларни сақлаши шарт.

18.3. Лизинг берувчи исталган вақтда ва ўзи белгилайдиган шаклда Лизинг олувчида лизинг объектидан фойдаланиш ҳолатини текшириш ҳуқуқига эга. Текширув доирасида Лизинг берувчи Лизинг олувчининг лизинг фаолиятига оид ҳисоб китоб дафтарлари ва бошқа муҳим ҳужжатлари билан танишиш, шунингдек, лойиҳа (лизинг) ва унинг кейинги ривожланиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

18.4. Лизинг олувчи Лизинг берувчи ходимларини лизинг объекти ҳолатини текшириш ва баҳолаш мақсадида хизмат, ишлаб чиқариш, омбор ҳамда бошқа биноларга киришларига рухсат бериш мажбуриятини олади.

18.5. Лизинг олувчи ўз ташаббуси билан мазкур Шартнома мақсадларига жиддий таъсир кўрсатадиган ёки уларнинг амалга оширилишини хавф остига қўядиган барча ҳолатлар, айниқса лойиҳа (лизинг)ни амалга ошириш ёки фойдаланишга оид ҳолатлар ҳақида Лизинг берувчини дарҳол хабардор қилиш мажбуриятини олади.

17. БОШҚА ШАРТЛАР

17.1. Ушбу Шартнома тарафлар вакиллари томонидан имзоланган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафларнинг ушбу шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлари тўлиқ бажаргунича кучда бўлади.

17.2. Ушбу Шартномага ўзгартириш ёки унга қўшимчалар Тарафларнинг келишуви билан киритилиши мумкин.

**Garant bank**

17.3. Шартнома Лизинг олувчининг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги сабаби бекор қилинганда Шартнома бўйича амалга оширилган тўловлар қайтарилмайди.

17.4. Барча тўловлар, шу жумладан, ЛОни сотиб олиш баҳоси тўланган пайтдан бошлаб мазкур шартнома ўз кучини йўқотади ҳамда ЛОга мулк ҳукуқи Лизинг олувчига ўтади.

17.5. Ушбу Шартнома амал қилиш муддатидан аввал Тарафларнинг келишувига кўра, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан бекор қилиниши мумкин.

17.6. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, ____ нусхада тузилди ва томонларнинг ҳар бир учун бир нусхадан.

Иловалар:

1-сонли илова – ЛО таснифи

2-сонли илова – Лизинг тўловлари жадвали

**18. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ, БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ
ВА ИМЗОЛАРИ:**

Лизинг берувчи	Лизинг олувчи	Сотувчи
Манзил _____ р/с _____ МФО: _____ ОКОНХ: _____ ИНН: _____	Манзил : _____ р/с _____ МФО: _____ ОКОНХ: _____ ИНН: _____	Манзил : _____ р/с _____ МФО: _____ ОКОНХ: _____ ИНН: _____
Бошқарувчи _____ Бош бухгалтер _____ Юрист _____ мухр, сана ____ __ 20__ й.	Директор _____ Бош бухгалтер _____ мухр, сана ____ __ 20__ .	Директор _____ Бош бухгалтер _____ мухр, сана ____ __ 20__ й.

20__ йилда «__» _____ да
_____ орасида тузилган
_____ - сонли Шартномага
1-сонли Илова

ТАСНИФ

ЛО маркаси	Бутланиш	Бирл. Миқдори	Нархи	Қиймати

ЛО умумий қиймати _____ сўмни ташкил қилади.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ, БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

Лизинг берувчи:

(имзо)

Лизинг олувчи:

(имзо)

Сотувчи:

(имзо)

20__ йилда «__» _____ да
_____ орасида тузилган
_____ - сонли Шартномага
2-сонли Илова

Лизинг тўловлари ЖАДВАЛИ

Лизинг бошланиш пайтидан бошлаб фойдаланиш ойлари	Асосий қарз (ЛО қиймати ва Лизинг берувчининг ҳаражатлари)	Лизинг ставкаси (ЎР сўмларида)	Лизинг тўловининг миқдори (ЎР сўмларида)
1-нчи	0,00	0,00	0,00
2-нчи	0,00	0,00	0,00
3-нчи	0,00	0,00	0,00
ЖАМИ:			

ЖАМИ:

Лизинг тўловларининг қиймати _____
(сўз ва рақам билан ёзилсин)

сўмни ташкил қилади.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ, БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

Лизинг берувчи:

(подпись)

Лизинг олувчи:

(подпись)

Сотувчи:

(имзо)